



Тошкент Давлат университети филология факультетида «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллигига бағишланган илмий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев, филология фанлари номзоди, доцент Омонилла Малаев «Алпомиш» дostonининг ўрганилиш тарихи, поэтик маҳорати ва янги талқини ҳақида маъруза қилди. Чори бахши Хўжамбердиев ижросида дostonдан парчалар тингланди.

Хаақ орзу-умидларининг маҳсули бўлган бундай қахрамонлар ҳамиша эъзозланаверади ва шундай бўлиши ҳам керак.

Шухрат ОРИФ



Қарши шаҳридаги «Ёски мачит» театр-студияси аллақачон ўз мухлисларини топган. Саҳна асарларини танлаш, уларга ўзига хос талқин билан ёндошиш жамоага катта муваффақият келтирмоқда. Айниқса Қирғизистонда ўтган санъат кўриги маҳорат синови бўлган эди. Замонамизнинг буюк адаби Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи асосида сахналаштирилган «Найман она нидоси» спектакли кўриқнинг энг юқори баҳоюга сазовор бўлган эди.

Бу асар Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида ўтган экспериментал театр-студияларининг халқаро фестивалида ҳам томошабинлар қалбини ром этди. Бу анжуманда жаҳоннинг қирқдан ошиқ давлатларидан санъаткорлар иштирок этди. Фестиваль шартига кўра, танловда алоҳида эътироф этилган асарларига Қоҳиранинг таниқли «Саид дарвеш» театри сахнасида икки бор намойиш этиларди. Қаршилик санъаткорлар маҳорат ила ижро этган «Найман она нидоси» спектакли ана шундай имкониятга мушарраф бўлди. Халқаро санъат анжумани ташкилотчилари, томошабинлар, театр танқидчилари унга юксак баҳо беришди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



«Чимбойё» ҳиссадорлик жамияти муҳандислари, техниклари ва ишчилари янги ҳосилдан чиққан чигитларни қабул қилиб олиш учун ёғ заводини барвақт тўмирладилар. Бу ерда Амударёнинг ўнг қирғоғи минтақасидаги туманларда этиштирилган пахталарнинг чигитлари қабул қилиб олинади.

1 октябрдан бошлаб бу ерда суткасига 10 тонна пахта ёғи ишлаб чиқарилмоқда. Пресслов, ёғни оқартириш тайёрлов цехларида ишлар қизғин.

Дастлабки маҳсулотлар савдога чиқарилмоқда.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватинни севмак иймандандур!




ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 9 октябрь, шанба • № 118 (25.513).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Украина – ишончли дўст, муносиб ҳамкор



Лерий Пустовойтенкони қабул қилди. Сўхбат чоғида ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш, алоқаларни янада ривожлантириш хуСУСИДА фикр алмашилди.

Хамкорликнинг янги босқичи — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 7-8 октябрь кунлари Украинага буюрган расмий ташрифи натижаларини ана шундай сифатлаш мумкин. Украин заминида ўтказилган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар, билдирилган фикрлар бунинг яққол далилидир.

Ўзбек ва украин халқларини жуذا кўп жиҳатлар бирлаштириб туради. Лекин уларнинг энг кўзга ташланмадигани одамларимизнинг меҳмондўстлигидир. Бу муштарак хусусият давлатимиз раҳбарининг Украинага сафари аввалидаёқ, Киевнинг «Борисполь» аэропортида ёрқин намён бўлди. Ислам Каримов украинча нон-туз билан кўтиб олинди.

Шу ернинг ўзида Ислам Каримов маҳаллий журналистларнинг саволига жавоб қайтариб, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганининг ифодаси сифатида сўнги вақтда давлатлараро товар айланиши ҳажми кескин ортганини айтди.

Дастлаб икки давлат раҳбарларининг яқма-яққа учрашуви бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Леонид Кучма давлатлараро муносабатларни янада юқори босқичга кўтариш, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, ўзаро савдо маблағини кўпайтириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва бошқа масалалар хуСУСИДА фикр алмашилди.

Шундан сўнг икки мамлакат президентлари оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказдилар.

Леонид Кучма бўлиб ўтган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик аҳамиятга молик эканлигини яна бир бор намойиш қилганини қайд этиб, Украина Ўзбекистон билан бундай алоқалардан ҳар томонлама манфаатдор эканлигини ва иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битимга катта умид боғлашини таъкидлади. Мен бизга кўрсатилган катта ёрдам учун Ўзбекистон раҳбаридан миннатдорман. Бу йил Ўзбекистон пахтаси ортинган илк аввалроқ Украинага келди.

Бу эса аввало тўқимачилик соҳасида минглаб одамларни иш билан таъминлаш демакдир. Уз навбатда бу нафақат иқтисодийётга, балки одамларнинг руҳиятига, ижтимоий соҳага ижобий таъсир этади. Шунинг ўзи давлатларимиз ўртасидаги ишончнинг муқтаҳамлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов музокаралар чоғида экстремистик ва террористик куллар таъсирида Урта Осиё минтақасида вуқудга келган азизат, жумладан, Қирғизистон жанубидаги мавжуд аҳвол ҳам муҳокама этилганини айтди. Мамнуният билан шунинг қайд этмоқчиманки, деди юртбошимиз, барча муҳокама этилган масалалар, уларни ҳал этиш юзасидан қарашларимиз ҳамохандир.

Икки давлат ўртасида имзоланган ҳужжатлар сони юзга яқинлашди. Бугун қабул қилинган ҳужжатларнинг асосийси эса 2008 йилгача мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўлиб, уни амалга ошириш бўйича аниқ дастур ҳам ишлаб чиқилган. Айтиш керакики, Ўзбекистонда ҳам, Украинада ҳам мамлакатларимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хомашёга эҳтиёж мавжуд. Мазкур битим ўзаро манфаатли шарторнда бу талабни қондириш имконини беради.

«Обуна — 2000»

«Ўзбекистон овози» — ўзбек, Ўзбекистон халқининг овози!
«Ўзбекистон овози» дунёнинг кўлаб мамлакатларига тарқалади ва айни пайтда дунё мамлакатларидан хабарлар тарқатади Ўзбекистонга!

Ер шарида беш қитъа, олтми миллиард аҳоли бор. Барчаси битта Заминда. Заминдошигиз одамларидан хабардор бўлишни истасангиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлинг!
«Ўзбекистон овози» — эртанинг газетаси!

Нашр индекси — 220.
Ва яна унутманг:
«Голос Узбекистана» — 121,
«Осиё бозори» — 174.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси III Курултойи қатнашчилари

Ташкилий пленум

1999 йил 8 октябрь кунини Ўзбекистон ХДП III Курултойида шаклланган партия Марказий Кенгашининг биринчи ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Абдулҳафиз Жалоловнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби, И. Кочмарик ва А. Рустамовнинг Марказий Кенгаш котиблари этиб сайландилар. Пленумда, шунингдек, Марказий Кенгаш Сийёсий Ижроия Кўмитаси ва Котибияти шакллантирилди.

Марказий Кенгашда қабул

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Фридрих Эберт жамағатининг Халқаро мулоқотлар бошқармаси ходими Арнольд Вемхёрнер ва жамағатининг Марказий Осиё минтақасидаги мувофиқлаштирувчи вакили Альфред Дибольд ҳамда унинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Найля Резяпова, уларнинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, меҳмонларга партиянинг навбатдаги III Курултойи ҳамда бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари тўғрисида гапириб берди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларга Германияда катта қизиқиш билан қараётганини гапириб, мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайловлар, албатта, демократик тамойилларга асосланишига ишонч билдирдилар.

Ушбу мулоқот, ҳар икки ташкилотнинг ҳамкорлиги борасида, яна бир муҳим кадам бўлди, деб таъкидланди учрашувада.

Марказий Тафтиш комиссияси ташкилий пленуми

1999 йил 8 октябрь кунини Ўзбекистон ХДП III Курултойида шаклланган партия Марказий Тафтиш комиссиясининг биринчи ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти партия кенгаши биринчи котиби Сирожддин Аъзамовнинг Марказий Тафтиш комиссияси раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

